

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**САИДОВА ШОИРА ОЛИМОВНА**

***MELOIDOGYNE* АВЛОДИ НЕМАТОДАЛАРИНИНГ  
МОРФО-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК  
АҲАМИЯТИ**

**(Тошкент воҳаси мисолида)**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Саидова Шоира Олимовна**

*Meloidogyne* авлоди нематодаларининг морфо-биологик хусусиятлари  
ва хўжалик аҳамияти (Тошкент воҳаси мисолида) ..... 3

**Саидова Шоира Олимовна**

Морфо-биологические особенности и хозяйственное значение нематод  
рода *Meloidogyne* (на примере Ташкентского оазиса) ..... 21

**Saidova Shoira Olimovna**

Morpho-biological features and economic significance of nematodes of the  
genus *Meloidogyne* (on the example of the Tashkent oasis) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**САИДОВА ШОИРА ОЛИМОВНА**

***MELOIDOGYNE* АВЛОДИ НЕМАТОДАЛАРИНИНГ  
МОРФО-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК  
АҲАМИЯТИ**

**(Тошкент воҳаси мисолида)**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/B246 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эшова Холиса Саидовна**  
биология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Медетов Махсетбай Жапакович**  
биология фанлари доктори

**Ҳайдарова Пардахол Бобокелдиевна**  
биология фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «17» декабр куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup>-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65; факс: (+99871) 262-79-38; e-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz).)

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б-уй. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «02» декабрь куни тарқатилди.

(2019 йил «02» декабрдаги 21-рақамли реестр баённомаси)

**Д.А. Азимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор, академик

**Г.С. Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н.

**Э.Б. Шакарбоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё бўйича атроф-муҳитнинг глобал равишда ўзгариши қишлоқ хўжалиги соҳасида маданий ўсимликларда паразитлик қилувчи организмларнинг кенг тарқалишига ва уларнинг паразитлик таъсир кўламини ортиб боришига олиб келмоқда. Бу борада ўсимлик паразит нематодалари таъсири натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида маданий ўсимликларнинг ҳосилдорлиги кескин пасайиши кузатилмоқда. Хозирги вақтда ўсимлик паразит нематодаларининг 4100 тури идентификация қилинган, уларнинг айрим турлари иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларига сезиларли даражада зарар келтиради. Жаҳон иқтисодиётига ўсимлик паразит нематодаларининг ҳар йили келтирадиган зарари 77 млрд. долларни ташкил этиши аниқланган<sup>1</sup>. Бу борада қишлоқ хўжалик экинларини паразит нематодалар билан зарарланишининг олдини олиш ва қарши кураш чораларини самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда қишлоқ хўжалик соҳасининг ривожланишида маданий ўсимликларни паразит нематодалардан ҳимоя қилиш муҳим бўлиб, ихтисослашган паразит нематодаларнинг турлар таркиби, биологик ва функционал хусусиятлари, улар сонини чеклашда турли усул ва воситаларни қўллашнинг илмий асосларига доир тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда маданий ва ёввойи ўсимликларда паразитлик қилувчи хавфли патогенларидан бири *Meloidogyne* Gøeldi, 1887 авлоди нематодалари кенг тарқалган бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларига жиддий зарар етказди. Шунини айтиш керакки, республикамизнинг тупроқ-иқлим шароити мелойдогинларнинг ривожланиши ва тарқалиши учун қулайлиги сабабли, ҳозирги кунда бу нематодалар мамлакатнинг барча ҳудудларидаги очик ва ёпиқ тупроқларида кенг тарқалган. Айниқса, айрим қишлоқ хўжалик экинларининг интенсив даражада етиштирилиши билан *Meloidogyne* авлоди нематодалари миқдорининг ортиши ва нематода - ўсимлик орасида «паразит-хўжайин» тизими бутун бир яхлит тизим бўлиб шаклланиши каби омиллар маданий ўсимликларда мелойдогиноз касалликларининг янада ортишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг морфологик ва биологик хусусиятлари, ҳар бир турнинг паразит-хўжайинлари билан ўзаро муносабатлари асосида қишлоқ хўжалик экинларининг мелойдогинозга қарши самарали кураш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида маданий ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ҳосилдорлигини ошириш учун уларда кузатилаётган турли касалликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида маданий экинлардаги паразит нематода турлари аниқланди, фитогельминтозларни

---

<sup>1</sup> Juan E. Palomares-Rius, Escobar C., Cabrera J., Vovlas A. and Castillo P. Anatomical alterations in plant tissues induced by plant-parasitic nematodes // *Frontiers in plant science*. – 2017. V. 8. – P. 1-16.

салбий таъсири ва паразитларнинг сонини бошқариш борасида муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган. Бу ўринда *Meloidogyne* авлоди нематода турларининг морфо-биологик хусусиятлари, уларнинг ўсимликларга таъсири, «паразит-хўжайин» тизимидаги ўзаро муносабатларини ўрганиш ва уларнинг хўжалик аҳамиятини асослашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги №116-П сон «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касаллик ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартдаги 148-сон «Ўсимликларни химоя қилиш тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг систематик ҳолати, таксономик таркиби, биологияси, тарқалиши ва ўсимликларга келтирадиган зарарини ўрганишга оид маълумотлар хориж олимлари Х. Деккер (1972), Z.A. Stephan, D.L. Trudgill, (1982), R.S. Hussey et al., (2002), G. Gheysen, C. Fenoll (2002) G. Gheysen, I.T. Jones (2006), C.I.Rani (2009), ишларида баён этилган. МДХ мамлакатларида *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг ўсимликларга зарари С.В. Зиновьева (2004, 2012, 2016), С.В. Зиновьева, Н.И. Васюкова, О.Л. Озерецковская (2008), А.А. Шестеперов (2011), Ж.В. Удалова (2012), Ф.В. Аджиева (2012), И.П. Казаченко (2013)лар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг биологияси, экологияси, эволюцияси ва ўсимлик - хўжайинлари билан ўзаро муносабатларини ўрганишга доир илмий тадқиқотлар П.П.Архангельский (1937), А.Т. Тўлаганов (1960, 1975, 1978), Ш.Х. Хуррамов (1977, 2003), О.М. Мавлянов (1987, 2001), З.Н. Нарбаев (1967, 1988, 1992), Ш.Т. Алламуратов (1987), Ж.Т. Сидиков (2001), Х.С. Эшова (2010, 2017) ва бошқалар томонидан олиб борилган. Олиб борилган изланишлар натижасида *Meloidogyne* авлоди нематодалари турлар таркиби ва тарқалиши ўрганилган ҳамда мелойдогинозларни бартараф этиш борасида муайян натижаларга эришилган.

Бироқ, *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг морфо-биологик хусусиятлари, нематодаларнинг ўсимликларга таъсирини «паразит-хўжайин» тизимида ўзаро муносабатлари асосида ўрганиш ва уларнинг хўжалик аҳамиятини асослашга доир батафсил маълумотларни бера олмайди. Шунга кўра, *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг морфо-биологик хусусиятларини, нематодаларнинг ўсимликларга таъсирини «паразит-хўжайин» тизимида ўзаро муносабатлари асосида ўрганиш ва уларнинг хўжалик аҳамиятини асослаш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-5-30 «Ўзбекистон саноат минтақаларининг деградациялашган тупроқлари унумдорлигини оширишда тупроқ умуртқасиз ҳайвонлари ролини комплекс ўрганиш» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг морфологик ва биологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда «ўсимлик-нематода» тизимидаги ўзаро муносабатлари асосида нематодаларнинг хўжалик аҳамиятини асослашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

очик ва ёпиқ тупроқлар шароитида *Meloidogyne* Göeldi, 1887 авлоди нематодаларининг тур таркибини аниқлаш, уларнинг қишлоқ хўжалик экинларида тарқалиши ва зарарини баҳолаш, ҳар бир турнинг ўсимлик-хўжайинларини аниқлаш;

*Meloidogyne* авлоди нематодаларининг морфологик, биологик хусусиятлари ва ўсимлик-хўжайини билан ўзаро муносабатларини ўрганиш;

*Meloidogyne* авлоди нематодаларидан кенг тарқалган тур ерёнғоқ бўртма нематодаси – *Meloidogyne arenaria* билан асосий маданий итузумдошлар оиласи ўсимликларининг зарарланишини тажриба йўли орқали аниқлаш;

ерёнғоқ бўртма нематодаси – *M. arenaria* мисолида *Meloidogyne* авлоди нематодаларига қарши кураш чора тадбирларини ишлаб чиқиш учун иссиқхона шароитида кимёвий препаратни синаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида *Meloidogyne* Göeldi, 1887 авлоди бўртма нематодалари, уларнинг маданий ва ёввойи ўсимлик-хўжайинлари олинган.

**Тадқиқот предмети** қишлоқ хўжалик экинларида *Meloidogyne* Göeldi, 1887 авлоди нематодаларининг тарқалиши ва ўсимлик-хўжайинлари, бўртма нематодаларнинг морфо-биологик хусусиятлари, итузумдошлар оиласига кирувчи маданий ўсимликларининг нематода билан зарарланиши ва мелойдогинозга қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда фитогельминтология, гистологиянинг асосий методлари ҳамда биометрик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Тошкент воҳаси шароитида *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг тарқалиши ва қишлоқ хўжалик экинларининг улар билан зарарланиш даражаси аниқланган;

Тошкент воҳасида бўртма нематодаларининг 82 тур маданий ва ёввойи ўсимлик-хўжайинлари рўйхати тузилган, шулардан илк бор 31 тури Ўзбекистонда бўртма нематодаларнинг ўсимлик-хўжайини экани исботланган;

иссиқхона шароитида помидорнинг «ТЕМП» нави илдизида ерёнғоқ бўртма нематодаси ривожланиш жадаллиги ва урғочи нематодаларнинг серпуштлиги ташқи муҳит омилларига боғлиқлиги очиб берилган;

ерёнғоқ бўртма нематодасининг ўсимлик-хўжайинлари билан ўзаро муносабатлари аниқланган: нематоданинг репродуктивлик хусусияти ва зарарланиши ўсимлик хўжайинларига боғлиқ ҳолатда экани асосланган;

илк бор *Meloidogyne arenaria* нематодаси билан зарарланган помидор ва бақлажон илдизининг гистологик ўзгаришлари аниқланган;

илк бор тажриба йўли билан помидорнинг «Роза Востока», «Авиценна», «Тошкент тонги», «Ўзбекистон» навларини илдиз бўртма нематодаларига берилувчанлик хусусиятлари ва паразитга чидамлилиқ даражаси аниқланган;

қишлоқ хўжалик экинлари мелойдогинозига қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тошкент воҳаси шароитида қишлоқ хўжалик экинларида *Meloidogyne* авлоди бўртма нематодаларининг тарқалиши ва маданий ўсимликларнинг нематодалар билан зарарланиш даражалари баҳоланган, ҳар бир турнинг ўсимлик-хўжайинлари аниқланган ва шу асосда қишлоқ хўжалик ўсимликлари илдиз бўртма нематодалари профилактикаси ва нематодаларга қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Ерёнғоқ бўртма нематодасига қарши помидор мелойдогинозида кимёвий нематоцид (Видат L 24 %) препаратининг таъсир самарадорлиги аниқланган ва иссиқхона шароитида фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган замонавий фитогельминтологик ва морфометрик услубларни қўлланилганлиги, натижаларнинг илмий нашрларда чоп этилганлиги, морфометрик маълумотларни Statistica 12.6 (USA, [www.statsoft.com](http://www.statsoft.com)) дастури ёрдамида статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалик экинларининг *Meloidogyne* авлоди нематодаларини тур таркиби ва тарқалиши аниқланганлиги, ерёнғоқ бўртма нематодаси - *Meloidogyne arenaria* личинкалари ривожланишига ташқи муҳит омилларининг боғлиқлиги очиб берилганлиги, нематоданинг репродуктивлик хусусияти ўсимлик-хўжайинга боғлиқлиги исботланганлиги, нематода билан ўсимлик хўжайинларнинг зарарланишини асосий йўналишлари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент воҳасида ерёнғоқ бўртма нематодаси – *M. arenaria* га айрим чидамли ўсимликларни аниқлаш, илдиз бўртма нематодаларини олдини олиш ва қарши кураш чора-тадбирларни амалга оширишда хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг морфо-биологик хусусиятлари ва хўжалик аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

иссиқхона шароитида помидорда ерёнғоқ бўртма нематодаси – *Meloidogyne arenaria* қарши курашда Видат L 24 % нематоцид препаратини 10 л/га сарф меъёрида қўллаш бўйича амалий тавсиялар Тошкент вилояти Янгийўл тумани «Шўралисой Садаф» фермер хўжалиги амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг 2019 йил 25 июндаги 3-30/167-сон маълумотномаси). Натижада илдизда бўртмалар ҳосил бўлиш жараёни 79,0 % га ва личинкаларнинг миқдор жиҳатдан 96,7 % га камайтириш имконини берган;

қишлоқ хўжалиги ўсимликлари мелойдогинози ва унга қарши кураш чора тадбирлари юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими амалиётига жорий қилинган («Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг 2019 йил 16 августдаги 02-13/804-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини 15-20 % га ошириш имконини берган;

*Meloidogyne arenaria* турига мансуб 25 нусха анал-вульвар пластинкали препарати, нематода намуналари ҳамда нематода билан зарарланган помидор, бақлажон, булғор қалампири илдизларининг намуналари республикада етакчи бўлган «Зоология коллекцияси» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 5 апрелдаги 4/1255-1062-сон маълумотномаси). Натижада йиғилган намуналар *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг тур таркибини аниқлаш, ўсимлик илдизи ва илдиз тўқимасига патологик таъсири юзасидан маълумотларни таҳлил қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 таси хорижий журналларда, шунингдек, 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Meloidogyne Göeldi*, 1887 авлоди нематодаларининг ўрганилиш тарихи ва асосий йўналишлари» деб номланган биринчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг ўрганилиш тарихи, уларнинг биологияси ва экологиясининг ўзига хослиги, ўсимлик хўжайинлари билан ўзаро муносабатлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва методлари**» деб номланган иккинчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб, бунда тўпланган материал ҳажми, тадқиқот материали ва тажриба ўтказилган жой ҳамда қўлланилган услублар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Биринчи бўлимда тадқиқот давомида жами 5435 та ўсимлик намуналари текширилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган, қишлоқ хўжалик экинларининг *Meloidogyne* авлоди нематодалари билан зарарланганлигини аниқланган, нематодаларни ўсимлик илдизи ва тупроқдан ажратиш, препарат тайёрлаш усуллари келтирилган. Иккинчи бўлимда *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг ўсимлик-хўжайинлари билан ўзаро муносабатларини ўрганишга доир тажриба қўйиш усуллари баён этилган, шунингдек, ўсимликларни нематода билан сунъий зарарлантириш ва ўсимлик органларидан гистологик препаратлар тайёрлаш усуллари ёритилган. Учинчи бўлимда нематодаларга қарши курашда кимёвий препаратларни қўллаш усуллари доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалик экинларининг илдиз бўртма нематодаларини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида *Meloidogyne Göeldi*, 1887 авлоди нематодаларининг анатоми-морфологик тавсифи ва систематикаси, илдиз бўртма нематодаларининг қишлоқ хўжалик экинларида тарқалиши ва зарари, нематодаларнинг ўсимлик-хўжайинлари ҳамда кенг тарқалган тур *M. arenaria* нинг биологиясига доир маълумотлар келтирилган.

Тошкент воҳаси шароитида турли қишлоқ хўжалик экинларида *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг 5 тури: яван бўртма нематодаси – *M. javanica*, ерёнғоқ нематодаси – *M. arenaria*, ғўза нематодаси – *M. acrita*, жануб нематодаси – *M. incognita* ва шимол нематодаси – *M. hapla* учраши аниқланган. Барча учраган турлар текислик ҳудудларда, битта тур – *M. hapla* тоғ ва тоғолди ҳудудларда кенг тарқалганлиги кузатилган.

*M. javanica* ўрганилган ҳудудларда лавлаги, бодринг, ошқовоқ, кунгабоқар, помидор ва баклажон илдизларида *M. arenaria* билан биргаликда учради.

Ўсимликларнинг нематода билан зарарланиши 20-60 %. *M. arenaria* турп, лавлаги, бодринг, ошқовоқ, ловия, помидор, баклажон ва картошка илдизларида учради, зарарланиш 20-60 %, кунгабоқар, редиска, шивит ўсимликларида зарарланиш 20-35 %, беда ва пиёз каби ўсимликлар кучсиз зарарланган 15-20 %.

*M. incognita* лавлаги, карам, ошқовоқ, қовун, ловия, пиёз, аччиқ қалампир, помидор, картошка ва сельдер каби ўсимликларнинг илдизларида учради, зарарланиш 30-45 %. *M. acrita* помидор, қалампир, тарвуз, қовун, ловия ва картошка ҳамда дарахтларнинг илдизларида учради. Помидор, бодринг, тарвуз, қовун ва ловия каби ўсимликларнинг зарарланиши 50-80 %, маккажўхори, беда ва буғдой каби экинлар нематода билан зарарланмаганлиги аниқланди. *M. hapla* редиска, беда, помидор, шивит ва бошқаларда учради, зарарланиш 30-45 %, беда ва ерёнғоқ илдизида зарарланиш 15-20 % ни ташкил этди. Бу нематода суғориш каналлари қирғоқларидаги ёввойи ўсимликларда ҳам учради. Маданий ўсимликлар орасида сабзавот ва полиз экинларининг илдиз бўртма нематодалар билан кучли зарарланиши кузатилган.

Илдиз бўртма нематодаларининг ўсимлик-хўжайинларини ўрганиш натижасида *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг 24 оилага мансуб 82 тур маданий ва ёввойи ўсимликларда учраши аниқланган (31 тур қишлоқ хўжалик экинлари, 51 тур ёввойи ўсимликлар), шулардан. 31 турдаги ўсимликлар Ўзбекистонда илк маротоба илдиз бўртма нематодаларининг ўсимлик-хўжайини сифатида қайд этилган. *M. javanica* 49 турдаги ўсимликларда учради, шулардан 7 тури янги ўсимлик-хўжайин, *M. arenaria* 49 турдаги ўсимликларда учради, 17 тури янги ўсимлик-хўжайин, *M. incognita* 34 турдаги ўсимликларда учради, 7 тури янги ўсимлик-хўжайин, *M. acrita* 20 турдаги ўсимликларда учради, янги ўсимлик-хўжайин аниқланмади. *M. hapla* 50 турдаги ўсимликларда учради, 16 тури янги ўсимлик-хўжайини ҳисобланади.

Иссиқхона шароитида *M. arenaria* нинг биологик хусусияти помидорнинг «ТЕМП» нави илдизида ўрганилган. Помидор илдизи нематодалар билан сунъий зарарлантирилгандан кейин олтинчи кунда иккинчи босқич личинкаларининг илдизчаларга кириши аниқланган. Тупроқнинг ўртача ҳарорати 11,2 °С, ҳавонинг ўртача ҳарорати 11,9 °С да, илдизда иккинчи босқич личинкаларнинг ривожланишини тугаллаш учун 15 кун талаб этилган, самарали ҳарорат йиғиндиси 201,6 °С ни ташкил этган. Учинчи босқич личинкаларининг ривожланиши тупроқнинг ўртача ҳарорати 20,6 °С, ҳавонинг ўртача ҳарорати 18,5 °С, самарали ҳарорат йиғиндиси 137,8 °С да 13 кун давом этиши кузатилган. Тўртинчи босқич личинкаларнинг ривожланиши тупроқнинг ўртача ҳарорати 19,2 °С, ҳавонинг ўртача ҳарорати 21,5 °С, самарали ҳарорат йиғиндиси 149,5° С шароитида 13 кун давом этиши кузатилган. Тўртинчи босқич личинкалардан ёш урғочи нематодаларнинг пайдо бўлгунига қадар олти кун ўтганлиги аниқланган. Дастлаб илдизда кичик шаффоф оотека ва унда 3-7 дона тухумлари билан ёш урғочи нематода пайдо бўлганлиги аниқланган. Нематоданинг бир цикли ривожланиши учун самарали ҳарорат йиғиндиси 522,3 °С, 47 кун давом этиши кузатилган. Ерёнғоқ бўртма нематодаси

личинкалари ҳар бир ривожланиш босқичининг тезлиги ва давомийлиги ҳароратга боғлиқлиги ва тупроқ ҳарорати паст кўрсаткичда личинкаларнинг ривожланиш давомийлиги узоқ вақтни талаб этиши аниқланган.

Диссертациянинг «*Meloidogyne arenaria* билан асосий маданий итузумдошлар оиласи ўсимликларининг паразит-хўжайин муносабатлари» деб номланган тўртинчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, мазкур бобда *M. arenaria* нематодаси билан асосий маданий итузумдошлар оиласи ўсимликларининг зарарланиши тажриба йўли орқали аниқланган.

Тажриба учун помидорнинг «ТЕМП» ва «Султон», бақлажоннинг «Алмаз», булғор қалампирининг «Ласточка» навлари ерёнғоқ бўртма нематодаси билан сунъий зарарлантирилган. Зарарлантирилгандан кейинги кузатувларда «ТЕМП» нави илдизда 10 чи кунда 3 дона, «Султон» навида 5 дона, бақлажон илдизда 7 чи кунда 9 дона, булғор қалампирининг илдизда 18 чи кунда 7 дона бўртма ҳосил бўлганлиги аниқланган. Булғор қалампирининг илдизда ҳосил бўлган бўртмалар нисбатан миқдор жиҳатдан кам ва ўлчами кичиклиги билан фарқ қилган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

##### Илдизда ҳосил бўлган бўртмаларнинг ўлчами ( $n=50$ )

Бўртмаларнинг параметрлари	<i>Min – max</i>	<i>M±m</i>	<i>C<sub>v</sub>, %</i>
«ТЕМП» нави			
Илдиздаги бўртмалар сони	120-48	86,2±13,1	15,2
Бўртмаларнинг бўйи (мм)	30-5	13,4±1,12	8,3
Бўртмаларнинг эни (мм)	11-4	7,6±1,4	18,4
«Султон» нави			
Илдиздаги бўртмалар сони	165-57	106,4±18,2	17,1
Бўртмаларнинг бўйи (мм)	40-7	27,8±6,75	24,3
Бўртмаларнинг эни (мм)	21-7	15,2±3,3	21,6
Бақлажон «Алмаз» нави			
Илдиздаги бўртмалар сони	131-42	90,3±24,6	27,2
Бўртмаларнинг бўйи (мм)	32-10	23,1±4,23	18,3
Бўртмаларнинг эни (мм)	24-7	16,3±2,9	17,6
Булғор қалампирининг «Ласточка» нави			
Илдиздаги бўртмалар сони	27-8	14,7±2,3	15,6
Бўртмаларнинг бўйи (мм)	14-5	9,2±1,7	18,4
Бўртмаларнинг эни (мм)	5-10	6,5±1,12	17,2

*M. arenaria* ning репродуктив хусусияти ўсимлик хўжайинларига боғлиқлиги аниқланган. Шунинг учун илдизда ҳосил бўлган бўртмалардаги инвазион личинкалар ва тухумлар ҳисобга олинган. Энг кўп личинка ва тухумлар бақлажон (ўртача 83,7 та личинка, 384 та тухум)да ва помидорнинг «Султон» нави (ўртача 85,4 та личинка, 380 та тухум)да кузатилган (2-жадвал).

2-жадвал

**Ерёнғоқ бўртма нематодасининг репродуктивлиги ( $n=50$ )**

Ўсимлик навлари	Оотекадаги личинкалар сони			Оотекадаги тухумлар сони		
	<i>Min-Max</i>	<i>M±m</i>	<i>C<sub>v</sub>,%</i>	<i>Min-Max</i>	<i>M±m</i>	<i>C<sub>v</sub>,%</i>
«ТЕМП»	20-93	62,7±7,9	12,6	182-384	283±64,3	22,7
«Султон»	36-127	85,4±20,1	23,5	200-500	380,6±85,3	22,4
«Алмаз»	46-130	83,7±21,2	25,3	198-512	384±120,6	31,4
«Ласточка»	12-20	17,3±2,21	12,8	4-18	13,3±3,56	26,8

Ўсимликларнинг вегетация даврини сўнгида тажриба ўсимликлари илдизларининг турли даражада бўртмалар билан қопланганлиги ва илдизнинг морфологик жиҳатдан деформацияга учраганлиги кузатилди. Илдиздаги бир дона бўртмада ўртача помидорнинг «ТЕМП» навида личинкалар – 56 та, тухумлар – 283 та, илдизнинг зарарланиш даражаси 47 % – 3 балл, «Султон» нави илдизда личинкалар – 71 та, тухумлар – 350 та, илдизнинг зарарланиш даражаси 73 % – 4 балл, бақлажон илдизда личинкалар - 78 та, тухумлар – 432 та, илдизнинг зарарланиш даражаси 77 % – 4 балл, булғор қалампири илдизда личинкалари – 7 та., тухумлар – 8 та, илдизнинг зарарланиш даражаси 18 % – 2 баллни ташкил этган (1-расм).



**1-расм. Ерёнғоқ бўртма нематодаси - *Meloidogyne arenaria* Chitwood, 1949 билан зарарланган илдизлар:** А – помидорнинг «ТЕМП» нави; Б – помидорнинг «Султон» нави; В - бақлажоннинг «Алмаз» нави; Г - булғор қалампирининг «Ласточка» нави.

Ўсимликларнинг нематодаларга чидамлилиқ хусусияти илдизда урғочи нематода, личинка ва тухумларнинг сони ҳамда илдизда бўртма ҳосил бўлиш интенсивлиги билан боғлиқ ҳолатда изоҳланган. Нематодаларнинг ўсимлик ҳосилдорлигига таъсири исботланган, паразитнинг личинкалари таъсирида помидорнинг «ТЕМП» навида 50,0 %, «Султон» навида 62,5 %, бақлажонда

66,6 %, булғор қалампирида 31,2 % га ҳосилдорлик пасайганлиги аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал


***M. arenaria* нематодаси билан ўсимлик илдизларининг зарарланиш даражаси ва ҳосилдорликга таъсири (n=35)**

Навлар	Вариант	Илдизнинг зарарланиш даражаси		Ўсимликнинг ўртача узунлиги (см)	1 та ўсимликдаги мева сони	Мева оғирлиги, г/дона
		%	балл			
«ТЕМП»	назарат	0	0	123±23,2	6±2	120,5±15,7
	тажриба	47±3,2	3	88±15,1	2±2	67,3±15,3
«Султон»	назорат	0	0	114±22,4	8±3	160,7±24,3
	тажриба	73±6,7	4	82±14,7	3±2	52,5±10,2
«Алмаз»	назарат	0	0	62±12,4	9±2	166,7 ±35,6
	тажриба	77±7,6	4	37,5±8,6	3±1	108±36,2
«Ласточка»	назарат	0	0	68±8,4	16±4	44,6±7,43
	тажриба	18±1,7	2	45,5±6,8	11±2	40,5±6,86

Бақлажон ва помидор илдизида нематода таъсирида ҳосил бўлган бўртмалар ва улардаги тухум, инвазион личинкаларнинг миқдор жиҳатдан кўплиги ҳамда илдизнинг нисбатан юқори даражада зарарланганлиги ҳисобга олиниб, бу ўсимликлар кучли зарарланадиган ўсимликлар қаторига киритилган. Булғор қалампири илдизида нематодаларнинг ривожланиши нисбатан пастлиги ҳисобга олиниб, бу ўсимлик кам зарарланадиганлар қаторига киритилган.


*Meloidogyne arenaria* нематодасининг маданий итузумдошлар оиласи ўсимликларига таъсири гистологик препаратлар ёрдамида аниқланган. Материаллар соғлом ва ерёнғоқ бўртма нематодаси билан зарарланган помидор ва бақлажон илдизидан сунъий зарарлантирилгандан 3 ойдан кейин мева ҳосил қилиш фазасида олинди. Соғлом ва нематода билан зарарланган ўсимликларнинг ўқ илдизи, ён илдизлари кўндаланг ва бўйлама кесмаларидан препаратлар тайёрланди. Ўсимлик илдиз тўқима ва ҳужайрасининг тузилишини ўрганиш учун илдизнинг кўндаланг кесмаси катта аҳмиятга эга. Соғлом помидор илдизининг кўндаланг кесмасида патологик ўзгаришлар кузатилмаган (2А-расм). Зарарланган ўсимлик илдизида нематоданинг ўсимлик тўқимасига таъсир қилиши натижасида ўсимликлар илдизининг тўқима ва ҳужайралари тузилиши ҳамда функциясида бир қатор ўзгаришлар кузатилган. Бўртма нематодаларининг илдизга кириши ва миграцияси давомида илдиз тўқимасида ҳужайра деворининг қалинлашуви ва бузилиши, кесмаларнинг пайдо бўлиши, паренхима ҳужайраларининг гипертрофияси каби бир қатор ўзгаришлар юзага келганлиги кузатилди. Илдизининг флоэма ва ксилема ҳужайралари девори

сезиларли даражада қалинлашган ва деформацияга учраганлиги кузатилди. (2Б-расм).




**2-расм. Помидор илдининг кўндаланг кесмаси:** А-соғлом, Б-ерёнгоқ бўртма нематодаси - *Meloidogyne arenaria* Chitwood, 1949 билан зарарланган помидор илди. ФГ-феллоген, ПР-перидерма, КС-ксилема, РН-радиаль нурлар, Н-нематода, Г-гидроцит хужайралар (микрофото Ок. 3,5. Об.7,5).

Зарарланмаган бақлажон ён илдишчаларининг кўндаланг кесмасининг устки қисмида 3-4 қатор пўкак билан қопланган, пастки қисмда паренхима пўстлоғи марказий цилиндрнинг 50 % ни ташкил этади. Марказий цилиндрда камбийнинг функцияланиши иккиламчи ксилемани ҳосил қилади, ўтказувчи найлар ўртасида 5-6 грануллардан иборат юпка деворли паренхима жойлашган. Радиал нурлар 1-3 қатордан иборат. Флоэма марказий цилиндрнинг 10 % ни ташкил қилган, илдининг ўтказувчи найлари деформация бўлмаган (3А-расм). Зарарланган бақлажон илдиши кўндаланг кесмаси текширилганда паренхима пўстлоғида нематодалар (Н) ва уларнинг тухумлари, гидроцит (ГЦ) ва гигант хужайралар (ГХ) аниқланди (3Б-расм).



**3-расм. Бақлажон илдининг кўндаланг кесмаси:** А - зарарланмаган; Б - *Meloidogyne arenaria* Chitwood, 1949 билан зарарланган бақлажон илди. ПР-паренхима пўстлоғи, ПР-перидерма, ФГ-феллоген, КС-ксилема, РН-радиал нурлар, Н-нематода, Т-тухум (микрофото Ок. 3,5. Об.7,5).


Ўсимлик-хўжайин тўқимасининг гипертрофик жараёнлар билан ифодаланган бундай морфо-функционал механизмни сеногосталь химоя баръерини ҳосил қилиш сифатида баҳолаш мумкин. Зарарланган бақлажон илдизи паренхимасида нематодаларнинг жойлашиши ва уларнинг ксилемани сиқиб қўйганлиги кузатилди. Нематодаларнинг бош қисми кўпинча бўртманинг марказида жойлашади. Бош қисмининг атрофида ксилемада жойлашган кўп ядроли гигант хўжайралар аниқланди. Ўз навбатида нематодалар атрофида гидроцитлар аниқланди. Ўсимликнинг илдиз тўқималари ва хўжайралардаги патологик ўзгаришлар дастлаб илдиз ўтказувчи найларида ва паренхимада кузатилди. Зарарланган илдизда флоэма ва ксилема деворчалари деформацияга учраган ва қалинлашганлиги аниқланди. Нематода бош қисми яқинида гигант хўжайралар шаклланганлиги унинг атрофида паренхима хўжайраларидан уч тўрт мартаба катта гидроцит хўжайралар аниқланган (4-расм).



**4-расм. Ерёнғок бўртма нематодаси - *Meloidogyne arenaria* Chitwood, 1949 билан зарарланган помидор ва бақлажон илдиз тўқимаси: А-помидор илдизи ксилемасига нематодаларнинг кириб келиши; Б- бақлажон илдизида гигант хўжайраларнинг кўриниши: КС-ксилема, Н-нематода, ГХ-гигант хўжайралар, ГЦ-гидроцитлар (микрофото. Ок. 10. об.20).**

Илдизнинг бўйлама кесмаси нематодаларнинг илдизга кириб келиш зонасини, уларнинг жойлашишини аниқлаш имконини беради, тадқиқотларимизда зарарланган бақлажон илдизнинг бўйлама кесмаси паренхима пўстлоғида нематодаларнинг бир нечта урғочиси ва тухум билан тўлган оотекаси аниқланди. Нематода личинкалари одатда илдизнинг марказий цилиндрга яқин паренхиматоз хўжайраларда жойлашган бўлади. Личинкаларнинг ўсиш ва ривожланиши даврида йирик хўжайралар шаклланишда илдиз ўтказувчи найларни деформацияга олиб келади, шу туфайли ўтказувчи найлар орасидаги масофа ўсиб боради. Нематода личинкаларининг ривожланиши ва ўсимлик илдизида гигант хўжайралар ҳосил бўлиши туфайли илдизнинг ўтказувчи тўқималар функцияси ўзгариб кетиши кузатилди (5А-расм). Нематодаларнинг катта миқдори девори қалинлашган ўтказувчи найлар атрофида жойлашганлиги кузатилди. Нематода томонидан инвазияга ўсимлик-хўжайиннинг жавоби илдиз ташқи томонида бўртмалар

ҳосил бўлганлиги, некроз ва тўқималар мацерацияси билан ифодаланган (5Б-расм).



**5-расм. *Meloidogyne arenaria* Chitwood, 1949 билан зарарланган бақлажон илдизи ксилемасининг бўйлама кесмаси:** А- паренхимадаги личинка; Б-илдиздаги бўртмалар мацерацияси; ПР-перидерма, КС-ксилема, БП-бирламчи пўстлоқ, Н-нематода, Л-личинка, Т-тухумлар (микрофото Ок.3,5.об.7,5).

Бақлажон илдиз паренхимаси ҳужайраларининг юмшоқлиги ва ғоваклиги учун помидорга нисбатан нематода билан зарарланиши юқори даражада, нематодалар сонининг кўплиги ва илдиз тўқималарининг кучли даражада деформацияга учраганлик каби фарқлар аниқланди.

Мелойдогинозга помидор навларининг чидамлилиқ хусусиятларини аниқлаш мақсадида олиб борилган тажрибада помидорнинг «Роза Востока», «Авиценна», «Тошкент тонги», «Ўзбекистон» навлари олинган ва *Meloidogyne arenaria* нематодаси билан сунъий зарарлантирилган. Ерёнғоқ бўртма нематодасига помидор навларининг чидамлилиқ хусусияти илдизда бўртма ҳосил бўлиш интенсивлиги, урғочи нематода оотекасида тухумлар сонини ҳисобга олиш ва личинкаларнинг ривожланиши орқали аниқланди. «Роза Востока» нави илдизида бўртмалар миқдори кам, оотекада личинкалар сони 12-38 та (ўртача 30 та), личинкалар учинчи босқичгача ривожланган, илдизнинг зарарланиш даражаси 2 баллни ташкил этган. «Авиценна» навида бўртмалар миқдори кўп, оотекада личинкалар 17-85 та (ўртача 50 та), личинкаларнинг ривожланиши тўлиқ етилган босқичда кузатилди, илдизнинг зарарланиш даражаси 3 баллни ташкил этган. «Ўзбекистон» навида бўртмалар миқдори кўп, оотекада личинкалар 21-90 та (ўртача 55,5 та), улар тўлиқ етилган босқичда кузатилди, илдизнинг зарарланиш даражаси 3 баллни ташкил этган. «Тошкент тонги» навида бўртмалар кўп, оотекада личинкалар 23-103 та (ўртача 62,4 та), личинкалари тўлиқ етилган босқичда кузатилган ва илдизнинг зарарланиш даражаси 3 баллни ташкил этган.

Помидорнинг «Роза Востока» нави илдизида бўртма ҳосил бўлиш интенсивлиги ва зарарланиш даражаси бошқа навларга нисбатан паст (2 балл) ва тухумларнинг миқдори кам ҳамда личинкалар тўлиқ ривожланмаганлигини ҳисобга олиб нисбатан чидамли деб топилди.

Диссертациянинг «Ерёнғоқ бўртма нематодасига қарши кураш учун помидор мелойдогинозида нематоцид препаратини синаш» деб номланган бешинчи боби ўсимликларга нематоцид препаратлар таъсирини ўрганиш орқали ўсимликлар ҳосилдорлигини оширишга қаратилган. Бунда ўсимлик мелойдогинози учун иссиқхона шароитида Видат L 24 % нематоцидининг биологик самарадорлигини помидор паразит нематодаларига қарши қўллашни тажрибада синаш мақсад қилиб олинган.

Тажриба помидорнинг «Ўзбекистон» навида олиб борилди. Ерёнғоқ бўртма нематодаси – *M. arenaria* билан зарарланган майдонга экилган помидорга препарат қўлланилди. Препарат эритмаси 10 л/га сарф-меъёрида ҳар бир ўсимлик илдиз бўғзига қуйиб чиқилди. Ўсимликнинг бутун вегетацияси давомида Видат L 24 % препаратини билан уч маротаба 15 кун оралатиб ишлов берилди. Препаратнинг самарадорлиги қиёсий таҳлил услубида препарат билан ишлов берилган (тажриба) ва ишлов берилмаган (назорат) гуруҳлардаги помидор тупларининг касалланиш даражасига ҳамда ҳар бир тупдан олинган қўшимча ҳосилга қараб аниқланди.

Видат L 24 % препарати илдизда нематода таъсирида бўртма ҳосил бўлишига ва личинкаларнинг ривожланишига таъсири аниқланди. Синовдан олдин нематода билан зарарланган ўсимлик илдизларидаги бўртмалар ва личинкалар сони аниқланди, бўртмалар ўртача 9,2 та, ундаги личинкалар 102 та, илдизнинг зарарланиш даражаси ўртача 10 % ни ташкил этган. Помидор мелойдогинозига қарши биринчи маротаба препарат билан ишлов берилди. Кузатувлар натижасида назорат ва тажриба ўсимликлари илдизида бўртмалар миқдор ва параметрлари бўйича фарқ қилди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Ерёнғоқ бўртма нематодаси - *Meloidogyne arenaria* Chitwood, 1949 билан зарарланган помидор мелойдогинози касаллигига Видат L 24 % препаратининг таъсири, n=10

Ўтказилган тажрибалар	Вариантлар	Илдиздаги бўртмалар ва личинкалар сони		Илдизнинг зарарланиш даражаси	
		бўртмалар	личинкалар	%	балл
Синовдан олдин	-	9,2±3,4	102±19,2	10±2,2	1
1 чи синовдан кейин	Назорат	28,7±7,2	480±83	29 ±2,6	2
	Видат L 24 %	11,3±4,1	132±18,2	10 ±2,1	1
2 чи синовдан кейин	Назорат	75,6±21,3	1738±417	57 ±5,3	3
	Видат L 24 %	23,3±4,4	220±27,7	15±2,4	1
3 чи синовдан кейин	Назорат	178,8±41,2	4112±1154	75±9,8	4
	Видат L 24 %	37,6±5,8	280±48,3	18±3,6	2

16 июлдаги кузатувларда назорат ўсимликда бўртмалар ўртача 28,7 та, личинкалар 480 та, тажрибада бўртмалар 11,3 та, личинкалар 132 та, илдизнинг зарарланиш даражаси назоратда ўртача 29 %, тажрибада 10 % ни ташкил этган. Препарат билан иккинчи маротаба ишлов берилди. Препарат билан иккинчи ишлов берилгандан кейин 15 августдаги кузатувда назорат ўсимлиги илдизида бўртмалар 75,6 та, личинкалар 1738 та, тажрибада бўртмалар 23,3 та, личинкалар 280 та, илдизнинг зарарланиш даражаси назоратда ўртача 57 %, тажрибада 15 % ни ташкил этган. Препарат билан учинчи маротаба ишлов берилди. 14 сентябрдаги кузатув натижаларида назоратда бўртмалар 178,8 та, личинкалар 4112 та, тажрибада бўртмалар 37,6 та, личинкалар 280 та, илдизнинг зарарланиш даражаси назоратда ўртача 75 %, тажрибада 18 % ни ташкил этган.

Илдиздаги нематода личинкалари сонининг динамикаси бўйича таҳлил қилинганда помидорда личинкаларнинг сони назоратга нисбатан тажрибада 96,7 % гача камайиши кузатилган, назоратдаги ўсимлик илдизларида бўртмалар сони ортиб, илдизнинг зарарланиш даражаси 4 балл, тажрибадаги ўсимлик илдизларида зарарланиш 1-2 баллни ташкил этди, илдизда бўртма ҳосил бўлиш жараёни 79,0 % пасайганлиги кузатилган.

## ХУЛОСАЛАР

«*Meloidogyne* авлоди нематодаларининг морфо-биологик хусусиятлари ва хўжалик аҳамияти (Тошкент воҳаси мисолида)» мавзусидаги диссертация ишини бажариш доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг морфо-биологик хусусиятлари ва хўжалик аҳамиятини ўрганишга доир илмий изланишларда Тошкент воҳасида маданий ва ёввойи ўсимликлар илдизларида мазкур авлод нематодаларининг 5 тури – *Meloidogyne javanica*, *M. arenaria*, *M. incognita*, *M. acrita*, *M. hapla* учраши ҳамда топилган барча нематода турлари текислик ҳудудлардаги сабзавот ва полиз экинларида, битта тур – *M. hapla* тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги сабзавот экинларда кенг тарқалганлиги аниқланди.

2. Тадқиқотлар натижасида *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг 24 оилага мансуб 82 тур маданий ва ёввойи ўсимликларда учраши аниқланди, шулардан 31 тури Ўзбекистонда илк маротаба бўртма нематодаларининг ўсимлик-хўжайини сифатида қайд этилди.

3. Иссиқхона шароитида ерёнғоқ бўртма нематодаси - *Meloidogyne arenaria* нинг ривожланиши ҳароратга боғлиқ: нематода иккинчи босқич личинкаларининг ривожланиши учун самарали ҳарорат йиғиндиси 201,6 °С да 15 кун; учинчи босқич личинкаларининг ривожланиши учун самарали ҳарорат йиғиндиси 137,8 °С да 13 кун; тўртинчи босқич личинкаларининг ривожланиши учун самарали ҳарорат йиғиндиси 149,5 °С да 13 кун; тўртинчи босқич личинкалардан ёш урғочи нематодаларининг пайдо бўлгунига қадар самарали

ҳарорат йиғиндиси  $69,0^{\circ}\text{C}$  да 6 кун, нематодаларнинг бир цикли ривожланиши учун самарали ҳарорат йиғиндиси  $522,3^{\circ}\text{C}$ , 47 кун давом этиши аниқланди.

4. Тажриба йўли орқали ерёнғоқ бўртма нематодаси - *Meloidogyne arenaria* нинг репродуктивлик хусусияти ўсимлик-хўжайинларига боғлиқлиги аниқланди: нематоданинг ривожланиш интенсивлиги бақлажон ва помидор илдизида юқори, булғор қалампири илдизида паст даражада эканлиги аниқланди.

5. Ерёнғоқ бўртма нематодаси билан маданий итузумдошлар оиласи ўсимликларининг зарарланиши ўсимликларнинг чидамлилиқ хусусиятига боғлиқ: кучли зарарланиш бақлажонда 77 % ва помидорнинг «Султон» навида 73 %, ўртача зарарланиш «ТЕМП» навида 47 %, энг паст зарарланиш булғор қалампирида 18 % ни ташкил этди; назоратга нисбатан ҳосилдорлик бақлажонда 66,6 %; помидорнинг «Султон» навида 62,5 %, «ТЕМП» навида 50 %, булғор қалампирида 31,2 % гача камайганлиги исботланди.

6. Ерёнғоқ бўртма нематодаси билан зарарланган ўсимлик илдиз тўқимасида структуравий ва функционал ўзгаришлар қайд этилди: паренхимада йирик хўжайралар (помидорда 4-7 та, бақлажонда 7 та) ва гидроцит хўжайралар пайдо бўлганлиги, натижада илдиз кселемаси ва ўтказувчи найларининг деформацияси билан изоҳланади.

7. Ерёнғоқ бўртма нематодасининг ўсимлик илдиз тўқимасига таъсири натижасида паренхима деворининг бузилганлиги (гипертрофияси, деструкция), мацерацияларни ҳосил бўлганлиги, ўсимликнинг вегетация даврида ушбу органларда зарарланиш ўчоқларининг кенгайганлиги, қопловчи, механик ва ўтказувчи тўқималарни қамраб олганлиги кузатилди.

8. Помидорнинг «Роза Востока», «Авиценна», «Тошкент тонги», «Ўзбекистон» навлари орасидан «Роза Востока» навининг мелойдогинозга чидамлилиги исботланди.

9. Тошкент воҳаси иссиқхона шароитида помидор мелойдогинозига қарши курашда Видат L 24 % препаратининг самарадорлиги аниқланди. Препарат билан ишлов берилган ўсимликларда назоратга нисбатан ҳосилдорлик 15-20 % гача ортганлиги кузатилди ва бу препарат нематода инвазион личинкаларининг сонини камайтириш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ И  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  

---

**ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ**

**САИДОВА ШОИРА ОЛИМОВНА**

**МОРФО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И ХОЗЯЙСТВЕННОЕ  
ЗНАЧЕНИЕ НЕМАТОД РОДА *MELOIDOGYNE*  
(на примере Ташкентского оазиса)**

**03.00.06 – Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.4.PhD/В246.**

Диссертационная работа выполнена в Институте зоологии Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

<b>Научный консультант:</b>	<b>Эшова Холиса Саидовна</b> доктор биологических наук
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Медетов Махсетбай Жапакович</b> доктор биологических наук <b>Хайдарова Пардахол Бобокелдиевна</b> доктор биологических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Гулистанский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится «17» декабря 2019 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc29.08.2017.В.52.01 при Институте зоологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>. Актовый зал Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за №20). Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60.

Автореферат диссертации разослан «02» декабря 2019 года.

(реестр протокола рассылки №21 от «02» декабря 2019 года)

**Д.А. Азимов**

Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.б.н.,  
профессор, академик

**Г.С. Мирзаева**

Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.б.н.,  
старший научный сотрудник

**Э.Б. Шакарбоев**

Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.б.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день глобальные изменения окружающей среды в мире приводят к широкому распространению паразитических организмов среди культурных растений в сельскохозяйственном секторе и усилению их паразитарных последствий. В связи с этим, в результате воздействия паразитических нематод наблюдается резкий спад урожая культурных растений в аграрном секторе. В настоящее время идентифицировано 4100 видов паразитических нематод растений, а некоторые из них, являясь экономически значимыми, наносят значительный ущерб сельскохозяйственным культурам. Ежегодный ущерб мировой экономике, составляет 77 миллиардов долларов<sup>1</sup>. В связи с этим большое научно-практическое значение имеет разработка эффективных методов борьбы и профилактики сельскохозяйственных культур от паразитических нематод.

В мире для развития сельскохозяйственного сектора особое значение имеет защита культурных растений от специфических паразитических нематод. При этом, особое внимание уделяется исследованиям видового состава, биологических и функциональных особенностей, научным основам использования различных методов и средств для сокращения их численности. В связи с этим, широко распространенные нематоды рода *Meloidogyne* Gøeldi, 1887, являясь одним из опасных патогенов культурных и диких растений, наносят серьёзный вред сельскохозяйственным культурам. Следует отметить, что причиной для развития и распространения мелойдогин являются благоприятные почвенно-климатические условия республики, и в настоящее время эти нематоды широко распространены на открытых и закрытых почвах во всех регионах страны. Особенно, причиной дальнейшего усиления мелойдогиноза культурных растений является повышение численности нематод рода *Meloidogyne* при интенсивном выращивании некоторых сельскохозяйственных культур – основных хозяев нематод и факторы формирования единой системы «паразит-хозяин» между нематодой и растением. Соответственно, на основании морфологических и биологических особенностей, а также паразито-хозяинных взаимоотношений каждого вида нематод рода *Meloidogyne* и разработка эффективных мер борьбы с мелойдогинозом и внедрение в практику с учётом морфологических и биологических особенностей, а также «паразито-хозяинных» взаимоотношений каждого вида нематод рода *Meloidogyne* имеет важное научное и практическое значение.

В республике особое внимание уделяется для защиты и повышения урожайности культурных растений в области сельского хозяйства, устранению возникающих, различных заболеваний. В этом направлении, на основе реализованных программных мероприятий, определены виды паразитических

---

<sup>1</sup> Juan E. Palomares-Rius, Escobar C., Cabrera J., Vovlas A. and Castillo P. Anatomical alterations in plant tissues induced by plant-parasitic nematodes // *Frontiers in plant science*. – 2017. V. 8. – P. 1-16.

нематод культурных растений, достигнуты определенные результаты по негативному влиянию фитогельминтозов и регуляции численности паразитов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определена задача которая ставит цель «выведения новых сортов, устойчивых к вредителям и болезням». Особенно, изучение морфобиологических свойств видов нематод рода *Meloidogyne*, их влияние на растение, взаимоотношения в системе «паразит-хозяин» и научно-исследовательские работы, направленные на обоснование их хозяйственной значимости имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан №116-II от 31 августа 2000 года «О защите сельскохозяйственных растений от вредителей, болезней и сорняков», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №148 от 29 марта 2004 года «О мерах по совершенствованию структуры и повышению эффективности службы защиты растений», Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, связанных с решениями проблем в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Научные исследования по систематике, таксономическому составу, биологии, распространению и наносящему вред растениям нематодой рода *Meloidogyne* проводились зарубежными учеными – Х. Деккер (1972); Z.A. Stephan, D.L. Trudgill (1982); R.S. Hussey et al. (2002); G. Gheysen, C. Fenoll (2002); G. Gheysen, I.T. Jones (2006); C.I. Rani (2009). Вредоносность нематод рода *Meloidogyne* растениям в странах СНГ изучали - С.В. Зиновьева (2004, 2012, 2016); С.В. Зиновьева, Н.И. Васюкова, О.Л. Озерецковская (2008); А.А. Шестеперов (2011); Ж.В. Удалова (2012); Ф.В. Аджиева (2012); И.П. Казаченко (2013).

